

ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ ШАКЛЛАНИШИННИГ ИЛК ТАРИХИЙ НЕГИЗЛАРИ

Термиз Давлат университети Ижтимоий фанлар факултети Психология кафедраси доценти

Джураев Ташпулат Сахиевич

Калит сўзлар: антик давр, фалсафа, рух, онг, Аристотел, Платон, Гераклит, Платон, Гиппократ, Гален

«Психология фан сифатида рух хақидаги таълимотдан бошланиши керак эди. Рух хақидаги таълимот одамзод томонидан илгари сурилган биринчи илмий гепотеза»дир деб ёзади Л.С. Выготский. Анита - рух хақидаги қарашлар ибтидоий жамоа давридаёқ мавжуд бўлган бўлсада эр. ав. асрда табиат ва инсон хақидаги тасаввурлар туб бурилишга учраб, антик оламда дастлабки рух хақидаги илмий фаразлар пайдо бўла бошлайди. Илмий психология ва ундаги барча муаммоларнинг боши шу ердадир. Антик давр машҳур файласуфи Эфеслик Гераклит (530 -470) «Қайси йўллар билан бормагин, барибир руҳнинг чегарасига боролмайсан» деган фикрлари билан индивидуал рух ва коинот бирлиги ғоясини илгари сурди. У барча нарса асосида олов ётади, деб ҳисоблайди.

Организмдаги олов учқуни психологиядаги - руҳдир. У «оловли ва нам» ҳолатда бўлади ва маст одам қаерга кетаётганини билмайди, чунки унинг психикаси намдир» - деб ёзади Гераклит. Унинг таъкидлашича рух нами умумий логос қонунлари билан белгиланади. Бу фикр билан Гераклит барча психик ходисалар моддий дунё қонунларига буйсунишни таъкидламоқчи бўлди. Детерминизм принципини жуда содда кўринишда таърифлади. Лекин унинг ғоялари психик ҳаётни ҳамма эшикларни очишга калит бўла олмас эди. Гераклит ўзидан олдин ўтган милет мактаби, файласуфлари Фалес, Анаксимандр, Анасименларнинг рух бўлинмаслиги тўғрисидаги фикрларини издоши ҳисобланади.

Гераклитдаги рух учқунлари кейинчалик эрамиздан авалги 400 – 370 йилларда яшаган Демокритнинг таълимотида «оловли атомларга» айланди. Демокрит ва унинг устози Левкипп (эр. ав. 500 — 440) атомистик материализм назариясини илгари сурдилар. Унга кўра барча нарсалар 2 та асосдан - бўлинмас

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-6

харакатчан, шарсимон ва енгил атомлардан ва бўшлиқлардан пайдо бўлади. Бу атомнинг энг ҳаракатчанлари, яъни олов атомлари рухни ҳосил қиласди.

Яна бир грек мутафаккири Анаксагор (500 – 428) нинг барча нарсалар гамеомерий номли майда моддалардан ташкил топганлиги ва уларнинг ақл билан ва яъни рух билан бошқарилиши тўғрисидаги фикр ҳам Демокритнинг атомистик қарашларига ўхшайди. Сочилиб кетишидан иборат физик қонуни тана учун ҳам, таалуқли деб ҳисоблаб Демокрит рухнинг абадийлигини инкор этади. Демокрит рухнинг тана ҳаракатининг сабаби деб билади. Унинг ёзишича рух оғир танага кириб ҳаракатга келтиради. Тана ўлгандан кейин эса у фазода тарқалиб кетади. Биз нафас олганимизда рухни ташкил этувчи атомларни ютиб нафас чиқарганда рухимизни бир қисмини ташқарига чиқариб юборамиз. Шу тариқа рухимиз доимо енгиллашиб туради, деб ҳисоблайди Демокрит. Унинг фикрича ҳамма нарсанинг ҳатто ўликнинг ҳам рухи ҳам бор, фақат жуда кам. Демокритнинг бундай фикри панпсихизмга яқинлашиб қолди. Танадан ташқари рух бўлиши мумкин эмас, деган умумий ҳукм чиқарди. У нафақат тана ва рух бирлиги балки рухнинг ўзи тана эканлигини таъкидлайди. «Агар рух танани ҳаракатлантирса, демак унинг ўзи тана қисми» деб ёзади Демокрит, Эпикур, Лукреций, кабилар.

Лекин Эпикур фикрича, рух атомлардан эмас, ўзгармас 4 элементлардан: олов - иссиқлик асоси, Буг - ҳаракати асоси, шамол - совиш, номсиз 4-элемент - рухдан иборат. Эпикурнинг номсиз элементини Лукреций «А», деб атади.

Рухни қанотли арава извошчисига ўхшатиш мумкин, Извошчи ва отлар ўртасидаги муносабат, тана ва рух ўртасидаги муносабат қабидир. Платонга кўра инсон рухининг 3 та асоси бор: 1. Ҳайвонлар ва ўсимликларга хос ақлсиз асос. У туфайли тирик мавжудот ўзининг тана эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиласди. Рухнинг мана шу қисми билан одам сезади, очлик ва ташналиктни сезади. Бу асос инсон рухининг катта қисмини ташкил этади. 1. Асоснинг интилишларига қарши чиқади. 2. Асос азоб ва қийинчиликлар асосидир. Бу қисм билан "одамнинг жаҳли чиқади, ғолиб чиқиш учун қийинчиликларга тайёр бўлади". Платон фикрига кўра, доим мана шу асослар ўртасида кураш кечиб, унинг оқибатлари тушларда намоён бўлади. Платоннинг тушларни тушунтириши кўп жиҳатдан замонавий фикрлардан бири фрейдизмга ўхшаб кетади. Чунки Платон ҳам уларнинг асосида майллар шу жумладан ҳақиқий майллар ётишини таъкидлаган. Платон рух тана ўлгандан кейин ҳам ҳаёт бўлади деб фикр юритади.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-6

Унинг ёзиича: "Агар рух абадий бўлса, унда рух ҳақида нафақат бу дунёда балки кейинги унинг ҳаёти ҳақида ҳам қайғуриш керак. Платон рух ҳақидаги ғоясининг етакчи қисми хиссиётлардир. Унда Платон биринчى ўринда одамлар учун роҳатланиш хисси турмаслигини айтади. Платон ўзининг «Филеб» диалогида роҳатланиш, азобланиш ва ҳар иккисининг бўлмаслиги руҳнинг учинчи хил ҳолатидир деб айтиб ўтади.

Антик психологиянинг энг юқори чўққиси Аристотелнинг рух ҳақидаги машҳур таълимоти ҳисобланади. Машҳур файласуф Гегель айтганидек, «биз психологияда эга бўлган яхши нарсалар - бу Аристотелдан олган нарсаларимиздир. Аристотел (Арасту) (мил. авв. 384–322 йиллар) мия, рух ва тана муносабатларига оид бир қанча фикрлар билдирган. Платоннинг шогирди. Аристотел жоннинг 3 хилини ажратган: ўсимлик, ҳайвон ва онгли жон. Ўсимлик жони деганда, у озиқланиш ва қўпайишни қўзда тутган бўлса, ҳайвон жони деганда ҳис қилиш, оғриқ сезиш, ҳимояланишни тушунган. Аристотел «Онгли жон фақат одам учун хос бўлиб, унда жоннинг уч тури ҳам мавжуд», дейди. Унинг фикрича, одам жоннинг уч турига эга бўлганлиги билан ҳам ўсимлик ва ҳайвонлардан фарқ қиласи. Аристотел ўз асарларида «ҳис-туйғулар», «хотира», «сезги» каби тушунчалардан кенг фойдаланган. Аристотел «Жон ҳақида» номли асарида рух муаммосини ўрганишга бағишлиланган ўз ғояларини батафсил ёритиб беради.

Шимолий Грециянгни Стариға шаҳрида табиб оиласида таваллуд топган Аристотел 17 ёшда Платонга шогирд бўлиб тушган. Аммо Платоннинг қарашлари йўлидан бормади. Аристотел фикрича, рух органик тананинг шаклидир, бу танани Аристотел қўйидагicha тушунтирди. «Агар қўз алоҳида тирик мавжудот бўлса, кўриш қобилияти унинг руҳи бўлар эди. Кўриш қобилиятини йўқотган кўз аслида кўз бўлмайди, у фақатгина кўз деган номни сақлаб қолади, холос. Бундай номни чизилган ёки бирор нарсадан ясалган қўзга ҳам бериш мумкин. Тириклик руҳсиз бўлмайди. Рух танани тирик қиласи. Тананинг барча хусусиятлари ўсиш, нафас олиш, фикрлаш асосида рух туради. Бошқача айтганда тана ва бошқа органлар рух хизматидаги қуролдир. «Тана рух учун мавжуддир, руҳни танадан ажратиб бўлмайди» деган қатъий холосага келди. Аристотел руҳнинг барча характер ва хусусиятларини «энтелэхия» деган

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-6

максус тушунчага бирлаштиради. Рух ҳаракат қилмайди, тана ҳаракат қилади, лекин бундай танада рух мавжуддир.

Шу тариқа Аристотел Платоннинг тана ва рух ажралиши, рухнинг қисмларга бўлиниши ҳақидаги ғоясини ўткир танқид қилди. Материализм ғоялари антик психологияда анатомия ва медицинадаги ютуқлари билан мустаҳкамланди.

Эрамиздан аввалги VI асрда яшаган табиб ва файласуф Кротонский фан тарихида биринчи бўлиб, фикрларнинг бош мияда туғилиши тўғрисидаги тахминни илгари сурди.

Александрияда маълум вақтгача ўликларни ёриб ўрганишга рухсат берилиши Александриядаги 2 та йирик табиб олим Герофил ва Эразистрантнинг янги кашфиётларига сабаб бўлди. Птолемейнинг шахсий табиби Герофил биринчи бўлиб, нервлар, пайлар ва боғламлар ўртасидаги фарқни аниқлади, кўзнинг тузилишини батафсил тарифлаб берди.

Эразистрат бош миянинг тузилишини таърифлаб, катта ярим шарлардаги эгри ва бугриликларнинг кўплигидан одам ақлий жиҳатдан ҳайвонлардан мутлақо устун туроди деган фикрга келди.

Барча анатомо-физиологик маълумотларни римлик табиб Клавдий Гален (129-216) умумлаштириди ва янгилари билан бойитди. Унинг асарларидан XVII-асргacha кенг фойдаланилди. Ҳар хил мускулларга борувчи нервларни кесиш билан Гален хulosага келдики, тананинг нервсиз бирорта қисми йўқ, бирорта ҳаракат, бирорта ҳиссиёт уларнинг иштирокисиз кечмайди.

Экспериментлар орқали Гален орқа миянинг вазифаларини ҳам аниқлади. Агар орқа мияни кўндаланг кесса, кесилган жойдан пастда жойлашган барча тана қисмлари ҳаракатчанлиги ва сезувчанлигини йўқотади, деган хulosани олим асослаб берди. Гален Гиппократнинг темперамент таълимотини янада ривожлантириди. У барча нарсаларнинг 4 хил холати – илиқ, совуқ, қуруқ, ва нам ва 4 хил суюқлик 13 та темпераментни келтириб чиқаради, деган фикрда эди.

Шу темпераментларнинг биттаси нормал бўлиб, 12 тасида нормадан четга чиқиши мавжуд эканлигини Гален тушунтирмоқчи бўлади.

Антик давр психологияси Мия ва рух орасидаги муносабатларга оид қарашлари билан машҳур бўлган тиббиёт фанининг отаси Гиппократ (Буқрот) (мил. авв. 460–377 йиллар) асарлари бугунги кунгача етиб келган. У одам

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-6

анатомияси ва физиологиясини чуқур ўрганди, бош мия тузилиши билан қизиқди. Гиппократ одамлар хулқ-атворини касаллик кечишига боғлаб ўрганди ва темперамент ҳақида таълимот яратди. Гиппократ одам темпераментини 4 типга ажратди: 1) сангвиник – ҳаракатчан, хушчақчақ, иродали одам, уларнинг организмида қон устунлик қиласи; 2) холерик – жаҳлдор, ҳиссиётга берилиувчан одам, уларда жигар ўти устунлик қиласи; 3) флегматик – вазмин одам, уларнинг организмида флегма (шиллик, хилт) устун туради; 4) меланхолик – иродасиз, тушкун кайфиятда ва танг ахволда юрадиган одам. Уларнинг қонида меланоза (савдо, қора ўт) устунлик қиласи. Гиппократ фикрича, сангвиниклар касалликка кам чалинишади. Холерик ва меланхоликлар эса касалликка мойил кишилардир. Мутафаккир «касалликлар кечиши ва беморнинг соғайиб кетиши темпераментга алоқадор» деб ҳисоблаган. Бу таълимот кейинчалик барча олимларда қизиқиши ўйғотди. Ҳозирги кунда етакчи психологлар ва врачлар беморларни даволашда уларнинг темпераментига алоҳида эътибор беришади. Гиппократнинг тиббиётга оид бъязи кўрсатмаларини келтириб ўтамиш:

- 1) жисмоний меҳнат мушак ва аъзолар учун озиқдир;
- 2) фикрлаш киши руҳини тетиклаштиради;
- 3) беморга ёрдам беришни эплай олмасанг, унга зиён келтирма;
- 4) меъёрдан қўп овқатланиш киши саломатлигига зиён келтиради;
- 5) беморнинг руҳи тушмаган ва иштаҳаси сақланган бўлиши тузалиш учун яхши аломатдир;
- 6) одам танасида касаллик билан курашувчи куч бор, табибининг вазифаси эса ўша кучни фаоллаштиришдан иборат;
- 7) беморга бериладиган дорилар ҳадеб ўзгартирилмаслиги керак, фактат заруратга қараб даволаш муолажаси ўзгартирилсин;
- 8) табиатда доимо икки қарама-қарши куч бўлади, қарама-қаршиликни қарама-қаршилик билан даволаш керак;
- 9) табиб юксак даражада ахлоқли, жонкуяр, озода ва хуш кўринишга эга бўлиши лозим;
- 10) табиб ўз билим ва маҳоратини доимо ошириб бориши ва беморлар хурматига сазовор бўлиши керак.

Ўз даврининг машҳур табиби ва файласуфи бўлган Гиппократ шарафли умр кечирди ва 83 ёшида вафот этди.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-6

Платон (Афлотун) (мил. авв. 430–348 йй.) «Рух абадийдир, у танага боғлиқ эмас ва худо томонидан яратилган. Рух танадан олдин пайдо бўлган, одам ва ҳайвон руҳи бир-биридан фарқ қиласди, одам руҳи олий ва паст табақага бўлинади. Олий рух абадийдир, у тафаккур кучига эга, бир танадан иккинчисига ўтади ва танага боғлиқ эмас. Паст табақали рух абадий эмас ва ҳайвонлар учун фақат паст табақали рух хос», деган.

Римлик мутафаккир Клавдий Гален (129–201 йй.) руҳнинг физиологик механизmlарини илмий тадқиқотларига асосланиб ўрганди. У ҳам руҳий фаолиятнинг бош мия билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрни илгари сурди. Клавдий Гален ҳиссиёт, хотира, сезги ва диққат одам онги, руҳи томонидан идора қилинади, деб таъкидлайди. У ҳайвонларда мияга борувчи сезги толаларини кесиб кўриб, уларнинг ҳаракатини текширди. Шу мақсадда доривор моддаларни ҳам ишлатди. Шунингдек, Гален жинсий алоқанинг асаб системасига ижобий таъсирини ўрганди. У турмушга чиқмаган ёки бева аёлларда истерик белгилар пайдо бўлишини ёзиб қолдирган. Гален биринчилардан бўлиб хулқ-атворнинг туғма ва ортирилган шакллари, ихтиёрий ва ихтиёrsиз ҳаракатлар тўғрисидаги ҳамда темпераментга оид фикрларни илгари сурди.

Кўриш орқали идрокни ўрганишга афиналик ўз даврининг машхур табиби Александр Вородийский (139-211) катта ҳиссасини қўшди. Антик мутафаккирлар томонидан тўпланган рух ҳақидаги таълимот кейинчалик фаннинг шаклланиши учун замин яратди.